
UZA | O'zbekiston Milliy axborot agentligi



ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎзА ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ

(ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)

2021 ЙИЛ АВГУСТ

ТОШКЕНТ – 2021

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎзА
ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ (ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)

Илмий нашр

2021 йил август ойи сони

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Раёсатининг 2019 йил 28 мартдаги 263/7.1 ва 263/7.4-сон қарорига биноан ташкил этилган.

Электрон журналга келган мақолаларга жавоб қайтарилмайди, журналда эълон қилинган мақолалардан олинган парчалар ЎзА Илм-фан бўлими (электрон журнал)дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Электрон журналга бир ярим оралиқдаги материаллар “Microcoft Word” редактори, “Times New Roman” шрифтида электрон версия шаклида қабул қилинади.

Таҳрир кенгаши

А.Кўчимов	Б.А.Назаров
М.Жўраев	А.Асқаров
А.С.Сагдуллаев	Д.Ю.Юсупова
С.С.Ғуломов	А.Х.Саидов
Ф.Г.Назиров	Т.Ў.Арипова
Р.Д.Курбанов	Қ.Р.Аллаев
М.Ҳ.Рустамбоев	С.М.Туробжонов
Ш.Т.Қудратхўжаев	И.С.Саифназаров
Н.А.Ҳусанов	Н.Х.Обломуродов
	Г.А.Мардонова

Манзилимиз: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42-уй
Тел: (+99871) 233-09-21; (+99899) 833-62-71

Мундарижа

Инновацион ғоялар ва ишланмалар

М.Ҳ.САИДОВ. Агросаноат логистикаси ривожи Ўзбекистонни илғор мамлакатлар сафига олиб чиқади----------5

Иқтисод

Ш.Н.МУРАТОВА. Саноат тармоқлари маҳсулотларининг иқтисодий-экологик хавфсизлигини таъминлашнинг услубий жиҳатлари----------15

Филология

Б.РАҲМОНОВ. Бахши ҳофизасида эпик билимнинг аҳамияти----------25
Ҳ.ҲАМРОЕВА. Фарғона рақс мактаби тарихига бир назар**----------33**
И.МАННОПОВ. Яссавий ва Убайдий ижодида ҳикматнавислик анъанаси----------44
З.РАҲМОНОВА. Мурид маслаги ва шахсияти такомили----------52
М.НАРЗИЕВА. Абдулла Орипов ижодида истиқлол манзаралари----------63
М.УБАЙДУЛЛАЕВА. Ўзбек ва қирғиз адабиётшунослик терминлари тараққиёти тарихи----------72
Ш.Т.НОРҚУЛОВА. Фольклорда кўз тимсоли бадиияти**----------83**
С.Б.КАРИМОВА. Ёзувчи Назар Эшонқулнинг “Муолажа” ва “Оғриқ лаззати” асарларидаги бемор образи таҳлили----------96
Р.САИДОВА. “Лисон ут-тайр” достонида маломатийлик мотивлари-------105
Н.Х.АШУРОВА. Ёзувчи Жамила Эргашеванинг қиссалари таҳлили--------113
К.А.ҚАРШИЕВ. Жамол Камол шеъриятининг поэтик услуб хусусиятлари----------121
Ҳ.Р.ИБРАГИМОВА. Янги медиа ва замонавий медиаконтентнинг ўзига хосликлари----------135
Д.А.РУСТАМОВА. “Бадойиъ ул-бидоя” девонида ёшлик васфи----------143
Н.ЖЎРАҚУЛОВА. Эр ва Эраннинг истилоҳий маънолари ҳамда эрлик мартабаси----------150
К.З.АХМЕДОВА. Исажон Султон ҳикояларидаги бадиий образлар талқини----------159
Қ.Б.ЭШБОЕВ. Киноянинг ёндош ҳодисаларга муносабати----------166
Ш.НУРМАТОВА. Ўзбек ва хитой халқ топишмоқларининг ифодаланиш усулларидаги ўзига хослик ва ўхшашлик----------175

Фалсафа

И.Б.СИДДИҚОВ. Ислом фалсафасидаги интеллектуал фаолият маданиятида дин, илм ва ахлоқнинг тарихий-фалсафий муштараклиги----------183

ЭР ВА ЭРАННИНГ ИСТИЛОҲИЙ МАЪНОЛАРИ ҲАМДА ЭРЛИК МАРТАБАСИ

Насиба ЖЎРАҚУЛОВА
магистр
Алишер Навоий номидаги
ўзбек тили ва адабиёти университети
Nasibazhurakulova@gmail.com
Тошкент,Ўзбекистон

Аннотация

Мазкур мақолада мумтоз адабиётдаги Эр ва Эран образининг бадиий мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратилган. Бу образнинг истилоҳий ҳамда туб илдизи ҳақида маълумот берувчи манбаларни ўрганиш жараёнидаги хулосалар баён қилинган. Шунингдек, бу образларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳам имкон қадар ёритилган.

Таянч сўзлар: Эр, эран, пир, авлиё, нафс, руҳ, тариқат, маърифат, муршид, миллат.

ЗНАЧЕНИЕ СЛОВ ЭР И ЭРАН, А ТАКЖЕ СТАТУС МУЖЕСТВА

Насиба ЖУРАКУЛОВА
Магистр
Университет узбекского языка и литературы имени
Алишера Навои
Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В настоящей статье уделяется особое внимание художественному содержанию слов Эр и Эран. Приводяся выводы, полученные в результате исследования источников, освещающих первоначальный смыл и интерпретацию этих образров. Вместе с тем, освещаются особенности данных образов.

Ключевые слова: Эр, эран, пир, святой, страсть, душа, учение, просвещение, муршид, нация.

Адабиёт нафсоний истаклардан бир нафас тин олиб, тафаккур ва таҳайюл уммонидан баҳраманд бўлиш неъматини инсониятга ҳадя қилувчи мўъжизавий куч. Эрксевар шоир ва адабиётшунос Чўлпон ҳам: “Ҳеч

тўхтамасдан ҳаракат қилиб турғон вужудимизга, танимизга сув-ҳаво не қадар зарур бўлса, маишат йўлида ҳар хил қора кирлар ила кирланган руҳимиз учун ҳам шул қадар адабиёт керакдир” [7;36], деган эди. Адабиёт буюк яратиқ – одамзод қалбига ойна тутган, инсониятга комиллик йўлини кўрсатган умид ва таскин олами. Йўқса, Ҳазрат Навоий:

Барчадин аширафки ул инсон эрур,

Ким камолида хирад ҳайрон эрур [5;221],

деб ёзмаган бўларди. Адабиётнинг асосий вазифаси комил инсон тарбияси экан, унда одамийликда ўрнак бўладиган қаҳрамонлар образини яратиш муҳим ҳисобланади. Идеал образ яратиш тажрибасида мумтоз адабиёт намуналари пешқадамлик қилади, боиси бу давр ижодкорларининг аксарияти беназир заковат соҳиби эканликлари билан бир қаторда иймон-эътиқодда собитқадам валий инсонлар ҳам эдилар. Адабиётимиз тарихида комил инсон сиймоси бир қанча номлар билан бадиий ижодда ўз аксини топган: зоҳид, ошиқ, ринд, ориф, ғариб, фақир. Таъкидлаш жоизки, туркий адабиётда акс этган мукаммал ахлоқли инсон образларининг энг биринчиларидан бўлган, миллий руҳият тўла-тўкис сингдирилган образ Эр ва Эранлардир. Даставвал, туркий қавмлар нутқида эр – йигит, эркак киши, эран эса эркаклар маъносида қўлланилган. VIII-IX асрларда яратилган “Ирқ битиги”да мана бундай парча келади:

Бег эр йимин йейин (тип) сақынсарс-сэн тишингда тидиглиг,

Йирда қазғуқ бэкуру тоқыйын тисар (сэн) йантыру адалыг.

Аслида, эр сўзи жинс маъноси билан бир қаторда мардлик, ғайрат-матонат каби сара хислатларни ҳам ўзида мужассам қилганки, туркийлар эрларнинг бу фазилатлардан мосуво бўлишини асло хоҳлашмаган. Адабиётда бу истилоҳ фақат жинс маъносида қўлланмайди, у ўз нафсига ҳоким бўла

олган, комиллик томон интилиб, қусурлардан покланган зотлар тимсоли сифатида гавдаланади. Эр ва Эран лафзи аёлларга ҳам нисбат бериладики, “Тазкират ул-авлиё” да бунинг яққол намунасини кўришимиз мумкин: “Агар сўралсаки: – Нечун Робиъани эранлар қаторида зикр қилдинг? деб, жавоб бергаймизким: – Пайғамбар (с.а.в.) марҳамат этар: “Аёл – Аллоҳ йўлида эрдир!” Уни аёл демоқ раво эмас, нечукким нубувват айни иззатдир. Беклик, улуғлик ва кичиклик унда тафовут тутмас. Валийлик ҳам шундоқдир. Хоссатан, Робиъа ўз замонида Ҳақ муомаласи ва маърифати бобида беназир эди” [2;145].

Аввало, илк назарий манбалардаги маълумотларга эътибор қаратсак. Илк туркий изоҳли луғат “Девону луғати-т-турк”да эр – эркак киши, эран эса шу сўзнинг кўплик шакли эканлиги айтилади. Бироқ Маҳмуд Қошғарий эран тарзида кўплик ҳосил қилиниши қоидага хилоф эканлиги, эран эмас эрлар, шакли тўғри бўлишини маълумот сифатида келтиради. Зеро туркий тилда кўплик шаклини ясаш учун -ан қўшимчаси ишлатилмайди. Асарда бу сўзларнинг эркак киши маъноси билан бир қаторда мард қаҳрамон, жасур йўлбошчи, фазилатли инсон каби маънолари ҳам шарҳланади: “Olar ikki erlasdi – улар иккиси мардликда баҳслашишди”.

Асардаги айрим тўртликларда эса Эран – ўгит берувчи устоз, таълим-тарбия берувчи мураббий сиймосида келади:

Erdi oza eranlar, erdam begi bilig tag`,

Aydi o`kus o`gutlar, ko`nlum bolur anar sag`.

Маъноси: Илгари илм чўққисини эгаллаган, фазилат устодлари бор эди. Улар кўп-кўп насиҳат сўзлар эдилар, (ўша хотиралар) кўнгилга ҳузур бағишлайди.

Қадимги адабий манбаларда акс этган тасаввурлар давр силсиласидан ўтиш жараёнида мукаммал воқелик ҳосил қилди, образ ва тимсоллар моҳияти

янада мукаммаллашиб, мазмунан бойиди. Образ, рамз, тимсоллар фақат таҳайюл натижаси эмас, билъакс замон таъсири, ижодкор дунёқараши, иймон-эътиқоди, бир сўз билан айтганда, ўзига хос шахсияти таъсирида дунёга келади. Зотан, “образ мундарижаси ҳамиша руҳ ва қалб ҳақиқатини ифодалайди” [11; 137]. Шу боис Эр ва Эран образларининг адабиётдаги эврилиши ирфоний-маърифий адабиёт ва сўфиёна шеърият билан боғлиқ. XI-XV аср ўзбек адабиёти намуналарида бу образ ҳадди аълосига етди, десак муболаға бўлмайди, чунки мазкур давр адабиётида тасаввуфий ғоялар, яъни етук ШАХС тарбияси мақсад қилинди. Айтиш мумкинки, Эр ва Эран образи туркона руҳ билан яратилган комил инсон сиймосига айланди. Профессор Сулаймон Улудоғ ўзи тартиб берган луғатда “Эр – эркак, мард, (тас.) Аллоҳ одами, валий, муршид; Эран – етган, борган, аҳли вусул, валий, комил инсон” [14;45], деб изоҳ беради ва сўфий шоир Юнус Эмронинг қуйидаги байтини келтиради:

Er elini aldinisa ere gonul verdinise
Ikrar ile geldinise pes ere inkar gerekmez
Hak ere benim dedi, varligin er`de kodi
Erenlerin himmeti yerden goge direktir.

Эр камолотда йўлидан оғишмай, тўғри борган, нафс қутқуларидан озод бўлган валий, унинг ҳеч бир сўзи ва амалида хатолик йўқ. Зотан, улар Яратган ҳифзи-ҳимоясидаги азиз зотлар, Ўзининг сифатлари қатрасидан баҳрамандлик мақомига етган авлиёлар. Шу покдомон инсонлар маърифати она заминни тутиб турган устундир.

Тасаввуфий луғатларда Эр ва Эран лафзлари манзилга етган, борган, аҳли вусул соҳиблари сифатида изоҳланади. Демак, улар тариқат аҳли, сайри сулукда энг юқори мартабага эришган азиз зотлар. Маълумки, сайри сулук соликнинг қалб сафари, ибодат, риёзат, мушоҳада воситасида даражама-даража покланиш, аслий ўзликка эришишдир. Сайри сулук сафарида руҳий камолотга эришишнинг асосий талабларидан бири нафс даражаларидан

кўтарилиш ҳисобланади [6;85-86]. Манбаларда нафс мартабалари еттита дейилади: нафси аммора (ёмонликка буюрувчи нафс), нафси лаввома (ўзини маломат қилувчи нафс), нафси мулҳама, нафси мутмаинна (таскин топган нафс), нафси розия (рози), нафси марзия, нафси софия [3;55]. Эранлар нафси мутмаиннадан юқори кўтарилган зотлар сиймосидир. Бу даражадаги инсон кўнгли илоҳий ишқ макони бўлади, у Яратгандан бошқа бирор нарсага эътибор бермай қўяди, ҳар ашёда Ҳақ тажаллисини кўра бошлайди. Мазкур мақомдаги валий зотларнинг сўзлари ҳикмат, ҳар бир амаллари ибодат бўлади. Мана шундай улуғ авлиёлар эран образида ҳам гавдаланади. Сайид Қосимий "Ҳақиқатнома" асарининг махсус бир бобини Эранлар мадҳига бағишлайди ва бу қасидада уларнинг мартабаларини аниқ кўрсатиб беради:

Эранлар мазҳари нури Худодир,
Қачон бир лаҳза ёдидин жудодир.
Муҳити вақт ичинда Нуҳ эрурлар,
Фаришта сувратинда руҳ эрурлар [10;171].

Башарий сифатларни енгган солик малакий сифатлар билан қолади. Эранлар руҳонияти жисми устидан тўлиқ ҳукмрон бўлган аҳли вусуллардир. Эранларнинг Ҳақ ва Ҳақиқат оламига интилишлари, Яратганга қурбат ҳосил этишлари маълум. Мана шу рутбада улар гўё малаклардек руҳга айланадилар, вужуд истакларидан бир қадар озод бўладилар. Эран, асосан, авлиё, ориф, муршид, пир образларига ёндош қаҳрамон сифатида қўлланилади. Эр номининг ҳам худди шундай маъноларда қўлланганини кўришимиз мумкин бўлади:

Вуслати бўлган кишига, бу дард ила фироқ надир?
Дўстни яқин кўрган киши, билгайми ҳеч йироқ надир.
Вуслат Эри бўлган киши, дунёдан қўл ювса керак.
Ушбу йўлга кирмак учун, бир кўрайлик яроқмидир [8;66].

Валий арабча сўз бўлиб, ҳимоя қилувчи, дўст, ҳомий ва ёрдамчи маъноларини англатади, авлиё валийнинг кўпликда ишлатиладиган шакли.

Аллоҳ таолонинг асмоъул ҳусноларидан бири Ал-Валийдир. Зотан, “Ҳазрати Ҳақ таоло анбиё ва авлиёларнинг вужуд ойналарида улар истеъдодларининг миқдорича зоти ва сифати билан тажаллий қилгандир” [1;30]. Валийлик тасаввуфий ҳаётда энг муҳим сифатлардан биридир. Эр ва Эран образлари айнан валий зотлар тимсолидир, улар энг юксак фазилатлар соҳиби дея таърифланади:

Шайхи Шиблий ошиқ бўлуб самоъ этти,
Шайх Боязид етмиш йўли ўзин сотти,
Бу дунёни иззатларин ташлаб отти,
Ўтган ишга надоматлар ҳайрон қилур.
Андоғ Эрлар суҳбатини тобқон киши,
Масту ҳайрон бўлуб юрур ёзу қиши,
Саҳарларда чорзарб урмоқ анинг иши,
Зоҳир ханда, ботинларин гирён қилур [9;112].

Эранлар тариқат манзилига етган, сайри сулук ҳаётини тўла босиб ўтган фано соҳиблари экан, уларнинг Ҳаққа етиб, халққа қайтишлари энг асосий вазифа бўлганлиги адабиётда яққол ифодасини топади. Эр ва Эранлар энг асосий ўринларда муршид тимсолида кўринадилар. Маълумки, тариқатда муршид ва мурид муносабатига алоҳида эътибор қаратилган, боиси инсон унутувчи, бу синовли умр йўлларида ҳар бир ишда устоз кўмагига эҳтиёжимиз бор, тасаввуфий ҳаётда эса муршидсиз асло йўлга чиқилмайди, муршид муридининг руҳиятида содир бўлаётган кичик ўзгаришларни ҳам назорат қилиши лозим. Комиллик йўлида ҳақиқий устоз этагини тутиш энг катта саодат эканлиги манбаларда бот-бот эсланади. Ўзбек адабиётидаги муршид ва мурид образи ҳақида изчил тадқиқот олиб борган олима З.Раҳмонова муршид маъносида келувчи образлар кўплигини таъкидлаб, улар орасида туркона руҳни берадигани Эр ва Эран эканлигини айтиб ўтади. Демак, эран адабиётда ҳақиқий шайх ва муршидлик номларининг энг асосийларидан бири бўлган. Шу боис ҳазрат Навоий Эранлар хизматида

бўлиш саодатини қуйидагича баён қиладилар: “Эранлар хизматиға улки умрин сарф этар, агарчи умри кетар, аммо жовид умриға етар. Ўзунгни бу зумрадин йироқ тутма, бошинг борса, бу муддаони унутма. Умр фонийдур бевафо, ул боқий ҳаёт мужиби бақо.

Эранлар хизматидин чекмагил бош,
Агар бошингга гардундин ёғар тош
Ки, гар ул тош била бошинг ушалғай,
Саодат хаттидур гар захми қолғай” [4;86-87].

Эранлар хизматида туриш ниҳоясиз машаққат, ҳар бир дақиқа ҳушёрлик билан ўтиши керак, киши ички ҳавасларидан бутунлай воз кечиши учун тоғдек ирода соҳиби бўлиши лозим. Эр ва Эранлар “нафс кийикин овлаган” восиллар экан, ортидан эргашган толибни чин маънода комиллик саодати томон бошлай оладилар. Бу йўл ниҳоятда қийин йўл, нафс билан курашга чиқиш фақат ҳушёрликни талаб қилади, бирор сония истакларга эрк беришга толибнинг ҳаққи бўлмайди, лекин йўл охирида бир нур борки, бутун жаҳонни ёритишга етади, нега туғилиб, нима учун ҳаёт кечираётганини англашдек саодатга эришиш умиди ҳар нарсадан устун. Эранлар даргоҳида шу муддаога етиш мумкин. Шу ўринда бир савол туғилади? Мутафаккир ижодкорлар авлиё мартабасидаги улуғларни номлаш учун нега Эр ва Эран каломини танлашди.

Ҳар бир эрман деган мард ибрат олиши учун адабиётда энг гўзал хулқ соҳиби эран номини олди. Алалхусус, ўзбек адабиёти тарихида ижод аҳли халқ қаҳрамонлари, қадрли инсонларига шу ном билан нисбат бердилар, дин уламолари ҳамда тариқат аҳлини умумий тарзда Эран деб атадилар. Буюк шоир Юнус Эмро “Шайху донишманду валий, Жумласи бирдир, эр йўли”, дея бу образга энг тўғри таърифни беради. Дарҳақиқат, адабиётимиз тарихида бу даражада ихлос ва меҳр-муҳаббат билан куйланган образлар жуда кам. Зотан, атоқли адабиётшунос олим, устоз Иброҳим Ҳаққулов таъкидлашича, туркий ёзма ва оғзаки адабиётдан Эр, Эран, алп эран, ғайб

эран образлари четга сурилса, унинг нафақат миллий-тарбиявий, балки умуминсоний моҳияти ҳам кучсизлашиб, ҳатто маҳдудлашиб қолади. Улар тилга олинганда, мумтоз шеъриятдан мардлик, матонат, ҳикмат, жасорат каби боқий ҳақиқатлар ёришиб, ёлқинлашиб келгандай туюлади [12]. Шу маънода эр, эран образининг илмий-бадиий тадқиқи адабиётшунослар олдида турган энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бу образ генезиси, такомиллашув жараёни, ўзига хос бадиий хусусиятларини ўрганиш орқали миллий қадриятларни ёшлар онгида янада мустаҳкамлаш мумкин. Адабиётнинг энг асосий вазифаси авлод тарбияси эканлигини ҳисобга олган ҳолда таъкидлаш керакки, эр, эран сиймосини чуқур ўрганиш ёшлар камолотида муҳим ўрин эгаллайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1.Аҳрор, Хожа Убайдуллоҳ. Табаррук рисолалар //Нашрга тайёрловчилар: Маҳмуд Ҳасаний, Баҳриддин Умрзоқ, Ҳамидуллоҳ Амин. – Тошкент: Адолат 2004. – 386 б.

2. Аттор, Фаридиддин. Тазкират ул-авлиё //Мирзо Кенжабек таржимаси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1997. – 176 б.

3. Бухорий, Хожа Абдулғафур Раззоқ . Тариқатга йўлланма (Нақшбандия таълимоти асосида) //Нашрга тайёрловчилар: Абдулвосе Каримов, Мавлуда Шарипова. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2003. – 104 б.

4.Навоий, Алишер. Маҳбуб ул-қулуб. МАТ. 14-том. – Тошкент: Фан, 1998. – 304 б.

5.Навоий, Алишер. Лисон ут-тайр. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – 464 б.

6.Усмон, Турар. Тасаввуф тарихи //Таржимон: Нодирхон Ҳасан. –Тошкент: Истиқлол, 1999. – 180 б.

7.Чўлпон. Адабиёт надир (Адабий-танқидий мақолалар, Чўлпон ҳақида хотиралар) //Тўпловчи ва изоҳ муаллифлари: Д.Қуронов, З.Эшонова,

У.Султонов. Масъул муҳаррирлар: О.Шарафуддинов, У.Норматов. – Тошкент: Чўлпон, 1994. – 240 б.
8.Эмро, Юнус. Нечун йиғларсен, эй булбул? //Таржимон: Жамол Камол. – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2018. – 240 б.
9.Яссавий, Хожа Аҳмад. Девони Ҳикмат //Нашрга тайёрловчилар: Иброҳим Ҳаққул, Нодирхон Ҳасан. – Тошкент: Наврўз, 2018. – 360 б.
10.Ўзбек адабиёти бўстони. Муборак мактублар //Нашрга тайёрловчилар: М.Абдувоҳидова ва б. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 1987. – 300 б.
11.Қошғарий М. Девону луғати-т-турк. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2017. – 488 б.
12.Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърият. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. – 184 б.
13. Haqqulov I. Navoiy she`riyatida Er va Eran obrazi. 22.03.2019. www.kh-davron.uz.
14.Uludag` S. Tasavvuf terimleri so`zlug`u. – Istanbul: Marifet, 1995. – 390 б.